Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
12-yanvar,
seshanba,
№ 4
(3665)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!



**Мустақиллик йилларида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада, жанговарлиги, тактик маҳорати жиҳатидан ҳеч кимдан кам бўлмаган тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди.**

### Садоқат ва мардлик тимсоли

*12 январ — «Ватанга қасамёд» монументи очилган кун*

Бугун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактаби, миллий армиямиз эса мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатидир.

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси билан Тошкент шаҳрида барпо этилган «Ватанга қасамёд» монументи эл-юртимизнинг Ватан ҳимоячиларига чуқур ҳурмат-эҳтироми, муҳаббатининг ифодасидир. Бу гўзал мажмуада аскар давлатимиз байроғини кўзига суртиб, Ватан ҳимояси учун доимо тайёрлигини билдириб, тиз чўкиб қасамёд қилаётир. Унинг елкаси узра мард ва жасур ўғлонни бағрида авайлаб ўстирган Ватан тимсоли — мунис ва мўътабар она ҳарбий хизматга отланган фарзандини дуо қилиб, унга оқ йўл тиламоқда.

Биз орият ва ғурурни ҳамма нарсадан устун қўядиган, лафзи ҳалолликни шараф деб биладиган, бир сўзли халқмиз. Шундай экан, фарзандларимиз — Ватан ҳимоячиларининг қасамёд қабул қилиш маросими шунчаки расмий тадбир эмас. Бу асл ўғлонларимиз, мард ва жасур йигитларнинг ўз халқига, Ватанига, Президентига, ота-онасига бераётган ваъдаси, лафзидир.

«Ватанга қасамёд» монументи пойидан гулчамбарлар аримайди. Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан бу ерга ташриф буюрувчилар сафи янада кўпайган. Улар орасида йигитлик бурчини ўтаётган аскару офицерлар, олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ота-оналар, пойтахтимиз меҳмонларини кўриш мумкин.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2012 йилда «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Комила Каромова. — Бу мамлакатимизнинг узоқ йилларга мўлжалланган ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берувчи муҳим сиёсий ҳужжатдир. Унга кўра, Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат олиб боради: ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет давлатлар ҳарбий базаларини жойлаштирмайди, мамлакатимиз ҳарбий хизматчиларининг чет эллардаги ҳарбий операцияларда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

— «Ватанга қасамёд» монументи пойига гул қўяр эканмиз, бизда ҳам ҳайкалда тасвирланган жасур аскардай юрт ҳимоячиси бўлиш истаги пайдо бўлди, — дейди пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 277-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шоҳрух Маҳмудов. — Келгусида жонажон Ватанимиз корига ярайдиган, жисмонан ва маънан баркамол инсон бўлишга ваъда берамиз.

Президентимиз Ислом Каримов «Ватанга қасамёд» монументи очилишига бағишланган маросимдаги нутқида таъкидлаганидек, «...бугун ҳаммамизга аён бўлиши керак — армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи — ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демакдир».

«Ватанга қасамёд» монументи ёшларимизни Она юртга меҳр-муҳаббат, садоқат, мардлик ва жасорат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, Ватанни кўз қорачиғидек асраш, уни ҳимоя қилиш мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас ва шарафли бурчидир.

**Абдужалол ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**




### Ҳаяжонли дамлар

**Термизда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб “Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!” шиори остида “Аскар оналарини шарафлаймиз!” деб номланган тадбир ўтказилди.**

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва мудофаа ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган сурхондарёлик аскарлар ва хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган аскарларнинг оналари, ҳарбий хизматчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини оширишда юксак самаралар бермоқда. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш ёшларимиз учун юксак шон-шараф ишига айланган.

— Биз қўшни давлат билан чегара ҳудудида яшаймиз. Улар юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикка, халқимизнинг турмуш даражасига ҳавас билан қарайди, — дейди Узун туманидаги “Кичик Жончекка” маҳалласида истиқомат қилувчи Дилбар Сафарова. — Қишлоғимиз тоғлар орасида жойлашган бўлса-да, барча замонавий шароитлар яратилган. Ўғлим Исмоилжон муддатли ҳарбий хизмат бурчини ўтамоқда. Мен бундан фахрланаман.

Тадбир доирасида миллий армиямиз сафларида шартнома асосида хизмат қилаётган бир гуруҳ сержант аёллар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ҳарбий бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган аскарларнинг оналарига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари оддий аскари Турғун Жўраев юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдек шарафли хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган. Президентимиз фармонига мувофиқ у вафотидан сўнг “Жасорат” медали билан тақдирланган.

— Ўғлим эл-юрт тинчлиги, чегараларимиз дахлсизлиги ва оилаларимиз осойишталигини таъминлаш йўлида жасорат кўрсатди, — дейди Турғуннинг онаси Насиба Жумаева. — Турғунжоним билан фахрланаман. Биз, оналарга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан беҳад миннатдормиз.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида муддатли хизмат бурчини ўтаётган бир гуруҳ сурхондарёлик аскарларнинг тадбир ўтаётган “Истиқлол” саройига кириб келиши оналар учун кутилмаган совға бўлди.

— Ўғлим Адҳамжоннинг даврага бир қучоқ гул билан кириб келишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, — дейди Дилафрўз Шамсиддинова. — Ватан ҳимоячилари куни арафасида бўлган бу учрашув бир умр ёдимдан чиқмайди. Адҳамжоннинг бўй-басти ўсиб, фикри янада теранлашибди.

Санъаткорларнинг она, Ватан, истиқлол, матонат ва жасоратни улуғловчи куй-қўшиқлари тадбир иштирокчиларига завқ улашди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**
*ЎзА фотомухбири*
*Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат*

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди. Байрам тадбири иштирокчилари қўлларини кўксига қўйиб, Ватанимизнинг бош қўшиғига жўр бўлади. Мониторда истиқлол манзаралари акс этади. Уларга боқиб юраклар тўлқинланади, ғурур-ифтихорга тўлади.**

### Ватанимиз таянчи, фахру ифтихори

Саҳна мозий нурига шўнғийди. Ғойибдан Амир Темурнинг виқорли овози эшитилади. Буюк Соҳибқирон авлодларига Ватанни янада обод этишни, кўз қорачиғидек авайлаб-асрашни васият қилади.

↘ (2).

### Касаба уюшмалари — ҳарбийларга

**Донишмандлардан бири «Сен менга ўз тупроғингдан, Ватанингдан сўзла, мен сенга ўзингдан сўзлайман», деган экан. Дарҳақиқат, Ватан инсоннинг жони ва қонига синган шундай муқаддас маконки, ўзимизни ундан бир лаҳза айро тасаввур қилолмаймиз. Шу боис Ватанни ҳимоя қилиш дунёдаги энг улуғ ва шарафли бурч ҳисобланади.**

Зеро, бугун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш, Ватан ҳимоячиси деган номга муяссар бўлиш ҳар бир йигит учун шон-шараф ишига айланди. Айниқса, мамлакатимизда ҳарбий кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилаётгани айни муддао бўлмоқда. Бунинг натижасида билимли, дунёқараши кенг, нигоҳи тийрак, алпқомат ўғлонларимиз хавфсизлигимизга камарбаста, ҳаётимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги ишончли қўлларда эканини баралла айтишимиз мумкин.

↘ (2).

Истиқлол берган имкон

### Эл саломатлиги йўлида

**Яқинда юртимиз кардиологлари томонидан 100-юрак жарроҳлик иши амалга оширилди. Қувончлиси, шу кунга қадар бу мураккаб жарроҳлик амалиётида бирорта ҳам ўлим ҳолати юз бергани йўқ. Бундай жарроҳликни бошидан кечирган беморлар айни пайтда соғлом, яқинлари даврасида умргузаронлик қилишмоқда.**



Юртимизда кардиология соҳаси ва бу борадаги ютуқларни халқаро талаблар даражасида юксалтиришга катта аҳамият қаратилаётир. Тиббиётни янада ривожлантириш, миллат саломатлигини асраш, жумладан, юрак-қон томир касалликлари туфайли юз бериши мумкин бўлган нохуш вазиятларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ижроси йўлга қўйилган.

Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори Равшанбек Қурбонов билан суҳбатимиз соҳада эришилаётган ютуқлар, ушбу йўналишдаги даволаш муассасаларининг замонавий кўриниш олаётганлиги ва истиқболдаги режалар хусусида кечди.

— Марказимизда 10 та махсус кардиологик бўлим фаолият кўрсатмоқда, — дейди Р.Қурбонов. — Уларда артериал гипертония, ўткир миокард инфаркти, юрак-ишемик касаллиги, юрак аритмиялари, юрак етишмовчилиги каби хасталиклар самарали даволаняпти. Марказ қошида ташкил этилган, кунига 250 қатновга мўлжалланган, замонавий қулайликларга эга маслаҳат поликлиникаси ҳам аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда беморларга профессорлар ва олий тоифали кардиологлар томонидан тиббий маслаҳат берилиб, биохимик таҳлиллар асосида замонавий текширувлар ўтказилади. Бугунги кунда мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида кардиодиспансерлар, 2 та вилоятда мазкур ихтисослаштирилган марказнинг филиаллари ташкил этилган. Шаҳар ва туман поликлиникаларидаги 380 та кардиологик хонада малакали шифокорлар хизмат кўрсатмоқда.

↘ (4).



Ҳамкорлик самараси >> 2



Нуронийлар дуоси >> 3



Тадбиркорга мададкор >> 4

# Касаба уюшмалари — ҳарбийларга

↖(1).

Мамлакатимиз бўйлаб Ватанпарварлик ойлиги муносабати билан кенг миқёсда ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирларда бу каби даъваткор сўзлар янграб, юрт фахри ва ғурури, ҳимоячиси бўлган ҳарбийларимиз, мард ва жасур ўғлонларимиз шарафланмоқда. Юрт тинчлигини сақлаш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатаётган, юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган ҳарбий хизматчиларнинг маҳалла, корхона ва таълим муассасаларига ташрифи уюштирилиб, мустақилликни ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларни хотирлашга бағишланган тадбирлар ўтказилаётир. Буларнинг бари халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида миллий армиямизга нисбатан фахр-ифтихор ҳиссини янада оширмоқда.

Меҳнаткашлар, айниқса, ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик туйғусини юксалтириш, тинч ва осуда ҳаёт қадрининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишда касаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиб келаётир.

— Президентимизнинг 2015 йил 9 декабрдаги «Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам ўз тадбирларини белгилаб олди, — дейди ЎзКУФКнинг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси Эътиборхон Раҳмонова. — Фармойиш асосида касаба уюшма ташкилотлари томонидан «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остида меҳнат жамоаларида ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар фахрийларини жалб этган ҳолда маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш ва унинг қудратини янада кучайтириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар «Маънавият соатлари»да меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилинаётир.

Байрам муносабати билан ташкил этилган «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлида хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, миллий хавфсизлик органлари ходимлари оилаларига жами 67,5 млн. сўмлик манзилли моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, уларнинг фарзандларига Янги йил совғалари берилди. Республикамизнинг барча ҳудудларидан 140 нафар ҳарбий аёл ҳам касаба уюшмалари томонидан рағбатлантирилди.

Барча вилоятларда ўтказилаётган «Касаба уюшмалари — ҳарбий қисмда» мавзуидаги учрашув ва давра суҳбатларида аскарлар ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиши билан бир қаторда ҳарбий қисмнинг моддий базасини мустаҳкамлаш мақсадида касаба уюшмаларининг қимматбаҳо совғалари ҳам топширилмоқда. Ушбу мақсадларга 35,2 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган турли спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бир гуруҳ маданият, адабиёт ва санъат намояндалари иштирокида Самарқанд вилоятида кенг қамровли маънавий-маърифий, тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Самарқанддаги офицерлар уйида «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остида ана шундай маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар Қуролли Кучларимиз қудрати йилдан-йилга ортиб бораётгани, миллий армиямизнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилганлигини ғурур билан таъкидлашди. Армияда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг фахру ифтихорига айлангани, республикамиз мустақиллигини ҳимоя қилишни фарзандлик бурчи деб билган аскарларнинг жанговар ва маънавий тайёргарлиги юқори эканлиги, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими тубдан такомиллаштирилгани эътироф этилди.

Таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган озод ва обод юртимиз, унинг ишончли посбонлари мадҳ этилган қўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Сурхондарё вилоятида ташкил этилган «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси ҳам иштирокчиларга байрамона кайфият улашди. Термиз шаҳар «Истиқлол» ресторанида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган маданий-маърифий тадбирда 10 нафар илғор ҳарбий аёлга касаба уюшмаларининг совғалари топширилди. Шунингдек, Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш, хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари манзилли моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

Бу каби тадбирлар касаба уюшмалари томонидан барча ҳудудларда ўтказилмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

***

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши масъуллигида бир гуруҳ ижодкорлар ва санъат намояндалари иштирокида Самарқанд вилоятида кенг қамровли маънавий-маърифий тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.**

Жумладан, Божхона хизмати Самарқанд шаҳар бошқармасида "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан" шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Республика ишчи гуруҳи аъзолари, Ўзбекистон Миллий академик драма театри актёрлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Н.Маҳмудова ва Ф.Бурҳонов ҳамда Божхона хизматининг шахсий таркиби, офицерлар иштирок этдилар.

Тадбирда Қуролли Кучларимизнинг мамлакат миллий мустақиллиги ва фуқаролар эркинлигининг кафолатини таъминлашдаги роли, армия ва халқ бирлиги, ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига берилаётган имтиёзлар ҳақида сўз юритилди.

Тадбир сўнгида санъаткорлар томонидан концерт дастури намойиш этилди.

**Сардор ЯҚУБОВ,**
**ЎзКУФК етакчи мутахассиси**

# Ватанимиз таянчи, фахру ифтихори

↖(1).





Ҳарбий оркестр мусиқа садолари остида саҳнага алпкелбат аскарлар кириб келади. Ватанимизнинг мустаҳкам қалқонлари халқимизга, Президентимизга содиқ бўлишга, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга тантанали қасамёд қилади. Уларнинг ўктам овозига, шахдам қадам ташлашига, бўй-бастига боққан ёшлар кўзида ҳайрат ва ҳавас порлайди...

"Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шиори остида ташкил этилган ёшлар фестивали акцияси ана шундай тантанавор руҳда бошланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги ва Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлидаги олижаноб ишларга рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган ёшлар фестивали ана шу эзгу мақсад йўлидаги амалий тадбирлардан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 9 декабрдаги "Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда ҳарбий хизматчилар, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосари М.Солиев, маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари — "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Ф.Жўраев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини, ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида ҳарбийлар учун барча зарур шароит яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ҳарбий соҳага меҳр қўйган, офицерликни қалб амри ва юрак даъвати билан танлаган йигитлар Қуролли Кучларимиз сафларида йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Улғаяётган ёш авлод Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз осойишталигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган мард ва жасур акаларидек бўлишга интилмоқда.

— Мана шу муқаддас замин, мусаффо осмон ва ёруғ тонглар учун хизмат қилиш биз учун юксак шараф, — дейди шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Исломжон Холдоров. — Зеро, инсон бахту иқболи учун зарур моддий ва маънавий неъматларнинг асоси тинчликдир.

Тадбирда ҳарбийлар томонидан турли саҳна кўринишлари намойиш этилди. Уларда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва фаровон ҳаёт, унинг аҳамияти, аскар ва офицерларимизнинг туну кун Ватан олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этаётгани акс этди. Қўшиқларда мустақилликнинг моҳияти, Ватан ягоналиги, уни ҳимоя қилиш, бойликларини асраб-авайлаш шарафли бурч экани тараннум этилди.

Тадбирда "Мардлар қўриқлайди Ватанни!" кўрик-танлови ғолиблари тантанали тақдирланди.

— Фестивалдан катта таассуротлар билан қайтмоқдаман, — дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Шаҳобиддин Абдуллаев. — Ватанимизнинг мард ва жасур посбонларига ҳавасим янада ортди. Келажакда мен ҳам аскар бўлишни дилимга тугдим.

...Келажагимиз давомчилари бўлган минглаб ёшлар қалбида бўлғуси Ватан ҳимоячиси эканидан ғурурланиш туйғуси янада юксалди. Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги учун масъуллик, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига дахлдорлик ҳисси кучайди. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртда инсон буюк ва эзгу орзуларни кўнглига тугиши, уларнинг ушалишидан қалби қувончга тўлиши, ўз истеъдоди ва салоҳиятини тўла намойиш этиши мумкин. Ватани тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй-тантаналар, байрамлар ярашади, аҳиллик ва тотувлик, қут ва барака ҳамдам бўлади.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар*

Орамиздаги одамлар

**Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" асарида "Кексаларимизни фақат ёши улуғ бўлгани учун эмас, қанча ҳаёт синовлари, машаққатларига дош бериб, енгиб ўтганликлари учун ҳам иззат-икром қилишимиз керак", деган жумла бор. Уни ўқиганимда ҳамиша сергак ва ҳушёр ички ишлар ходими, подполковник, тиниб-тинчимас касаба уюшма етакчиси, одамларга хизмат қилишни олий бахт деб билган фидойи инсон Қаҳрамон Саидов кўз олдимда гавдаланди.**

# Кексаликка тан бермай...

Қаҳрамон ака иш фаолиятини талабалик йилларидан бошлаган. Бухоро вилояти «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти йўриқчиси, катта йўриқчиси сифатида тилга тушди. Ҳарбий-денгиз флотида йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, 1985 йилда вилоят ИИБ ахлоқ тузатиш муассасалари бўлимига техника ва ишлаб чиқариш бўйича муҳандис лавозимида ишга қабул қилинди. Ёш ходимнинг изланувчанлиги, меҳнатсеварлиги эътироф этилиб, катта муҳандис, кейинчалик ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи даражасига кўтарилди.

2000 йилдан вилоят ИИБ ШТБИХ катта инспектори, кейинчалик бошлиқ ёрдамчиси ва бошлиқ ўринбосари лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. 2008 йилнинг ёзида подполковник унвонида нафақага чиқди. Айтиш жоизки, босиб ўтилган шарафли йўл осон кечмади. Қатъиятлилик, матонат ва касбга садоқат барча тўсиқларни енгишда дастуриламал бўлди.

— Эришган ютуқларимда устозларим А.Абулов, О.Қурбонов, Н.Амонов, С.Саидовларнинг хизматлари катта, — дейди Қаҳрамон ака. — Айни пайтда устозим Самад Саидов билан вилоят ИИБ Фахрийлар кенгашида жамоатчилик асосида ишлаяпмиз. Вазифамиз ёш осойишталик посбонлари ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганиб, таҳлил қилиб бориш. Кези келганда маслаҳат берамиз, йўл-йўриқ кўрсатамиз. Қолаверса, кенгаш аъзолари билан кекса ҳамкасблар ҳолидан тез-тез хабар олиб, муаммоларини ечишга кўмаклашамиз.

Бирор тантанали тадбир, байрам йўққи, Қаҳрамон ака нафақада бўлган кексаларни кайфиятини чоғлаб, ҳадялар бериб, дуосини олмаган бўлса...

Қаҳрамон Саидов вилоят ИИБнинг Жанговар ва шон-шараф меҳнат музейи мудири сифатида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Анъанага кўра, ички ишлар идораларига янги қабул қилинган ҳар бир ходимнинг биринчи қадами ана шу ибрат ва маърифат масканидан бошланади.

Ташаббускор ва фидойи инсонга яна бир жамоатчилик иши ишониб топширилди. Вилоят ички ишлар бошқармаси касаба уюшмаси ҳисобот-сайлов йиғилишида Қаҳрамон Саидовни етакчиликка тавсия қилишди. Жамоа аъзоларининг бу ишончи ҳам аъло даражада оқланиб келинаётир. Касабақўм етакчиси ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, яшаш ва хизмат шароитларини яхшилаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш, саломатлигини тиклашни нафақат касбий вазифаси, балки инсоний бурчи, виждон амри деб билади.

Жамоадошлари Қаҳрамон Саидов ҳақида ҳамиша фахрланиб гапиришади. Ташкилотчилик, тадбиркорлик, янгиликка интилувчанлик, турли вазиятлардан тез ва тўғри хулоса чиқара олишга қодирлик раиснинг ўзига хос хусусиятлари, дея таърифлашади уни ҳамкасблари.

Қаҳрамон ака ходимларни ҳалол, меҳр-оқибатли, ғамхўр бўлишга, одамларга кўпроқ наф келтиришга даъват этади. Шу боис вилоятдаги кўплаб осойишталик посбонлари уни ўзларига устоз, деб билишади.

Қаҳрамон ака нафақат моҳир ташкилотчи, фидойи инсон, балки намунали оила бошлиғи ҳамдир. Турмуш ўртоғи Муҳаббат опа билан бир ўғил, икки қизни тарбиялаб элга қўшди. Ҳозир фарзанду набиралар ардоғида умргузаронлик қилишмоқда.

**Ҳаётжон ШАРИПОВ,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси**

Сарҳисоб

# Ишонч масъулияти

**Таълим, фан ва маданият ходимлар касаба уюшмаси Косонсой туман кенгашида ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш, борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди.**

Федерацияси Кенгаши Ўқув марказида касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш тартибига оид дастур асосида олган билимимни нафақат ўз фаолиятимда қўллашга, балки қуйи бўғин фаолларига етказишга ҳаракат қилаяпман.

Жумладан, йил бошидан буён тизимдаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ва ташкилотчилари иштирокида ўтказилган ўқув-семинарларда бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходимлари иштирок этган тадбирларда бошланғич ташкилотларга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Муҳими, тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда фаолият ҳар жиҳатдан ижобий томонга ўзгариб бораётгани кузатилмоқда. Ходимлар гимнастикаси ташкил қилиниб, жадвал асосида мунтазам ўтказиб келинмоқда. Тумандаги маданият муассасаларида фаолият кўрсатаётган бадиий жамоалар ва ижрочилар иштирокида уюштирилган "Истиқлол ғунчалари" кўрик-танлови янгидан-янги истеъдод эгаларини кашф этди. Шунингдек, тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда "Ўз касбининг моҳир эгалари" танлови ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди.

Тармоққа қарашли ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. "Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан тармоқда узоқ йиллар меҳнат қилиб, айни пайтда қарилик гаштини сураётган фахрийлардан 30 нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 10 нафар нуроний саломатлигини тиклашда касаба уюшма маблағи ҳисобидан берилган имтиёзли йўлланмалардан фойдаланди. Тармоқ туман кенгаши ташаббуси билан республика ҳудудидаги санаторийларга юздан зиёд имтиёзли йўлланмалар ажратилди.

**Алишер РАЖАБОВ,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Косонсой туман кенгаши ҳисобчиси**

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

# Ҳамкорлик самараси

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан бир қатор халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳукуматимиз қарорлари ҳамда Давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида ва ногирон болаларни соғломлаштириш юзасидан кўплаб лойиҳалар амалга оширилаётир.**

Мазкур йўналишда Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти, Корея Республикасининг Пундан Ча университети ва Ин Ха университети госпиталларида туғма юрак нуқсони, терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа дардлар билан оғриган ўзбекистонлик болалар соғломлаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги "Ўзбекистонда аҳоли репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида болаларни республика клиникаларида ва тиббиёт марказларида ҳамда чет элда соғломлаштириш, жумладан, туғма юрак нуқсони билан туғилган болаларни тезкор даволаш борасидаги ишларда фонднинг алоҳида ўрни бор.

Жорий йилда Ҳиндистон Республикасининг "Артемис" кардиохирургия маркази, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондлари ўртасида ўзаро уч томонлама ҳамкорлик битими имзоланди. Ушбу ҳамкорлик битими доирасида хорижлик шифокорлар юртимиздаги туғма юрак нуқсони бор болаларни жарроҳлик амалиёти орқали даволашмоқда.

Ушбу битим доирасида, 2015 йилнинг 25 ноябр куни Ҳиндистон Республикасининг "Артемис" кардиохирургия маркази малакали шифокорлари юртимизга ташриф буюриб, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси базасида жами 40 нафардан ортиқ фонд ҳисобида турувчи туғма юрак нуқсони бор болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишди. Кўрик натижаларига кўра, оғир деб топилган 5 нафар бемор бола Ҳиндистоннинг нуфузли клиникаларида жарроҳлик амалиёти орқали, соғломлаштирилди.

**Аббос ЭРГАШЕВ**



Соғломлаштириш

**Қумқўрғон туманида яшовчи отахон, "Жасорат" медали соҳиби Бобоқул Сафаров саломатлигини тиклаш учун "Қашқадарё соҳили" санаторийсини танлади. Сўнгги йилларда бу масканда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани, дам олиш учун шароитлар янада яхшиланганини эшитгани учун тумандошлари Ҳамид бобо Тангриқулов, Мамат бобо Рўзиев билан Қаршидаги сўлим сиҳатгоҳга йўл олди.**

# Нуронийлар дуоси

Кутилганидек, ҳордиқ кўнгилдагидек кечди...

Ходимларнинг эътибори, муолажаларнинг самараси боис, тез кунда нуронийларнинг соғлиги яхшиланиб, ўзларини анча бардам сезишди.

— Ўтган йилда сиҳатгоҳимизда 475 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, 369 нафар отахон ва онахонлар соғломлаштирилди, — деди санаторий директори Икром Раҳимов. — 2016 йилда яна 600 нафар фахрийларни дам олдириш режалаштирилган.

— Сиҳатгоҳда дам олиш кунларининг мазмунли ўтишига катта эътибор берилади. Масалан, Қарши шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишиш асноси мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз бераётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим, — дейди сурхондарёлик отахон Ҳамид бобо Тангриқулов. — Ҳар куни кечки пайт уюштириладиган маданий дастурлар ранг-баранглиги билан ажралиб турди. Шунингдек, фахрийлар ўртасида шахмат-шашка мусобақалари ташкил этилди.

— Санаторийнинг минералларга бой суви минг дардга даво, — дейди нуроний онахонлардан бешкентлик Марҳабо Тилакова. — Бундан ташқари, парҳез таомлари, мазали шарбатлари ҳамда турли гиёҳлардан тайёрланган дамламалари танимизга қувват бахш этди.

— "Сизнинг ҳаётингиз биз учун ибрат" мавзусида маърифий учрашув ҳам барчага манзур бўлди, — дея суҳбатга қўшилди "Жасорат" медали соҳиби Бобоқул бобо Сафаров. — Унда сиҳатгоҳда дам олаётган кексалар, меҳнат фахрийлари ҳамда санаторий ходимлари иштирок этишди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Санатор-курортлар бошқармаси ўқув-услубий бўлими етакчи мутахассиси Маҳмуда Мурзаеванинг мамлакатимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, фаровонлик, истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар ҳақидаги сўзлари айни дилимиздаги гап бўлди.

Ўз навбатида, биз ҳам бошимиздан ўтказган қийин кунларни ёдга олиб, бугунги тинч ва фаровон турмушга осонликча эришилмаганини ёшларга ҳикоя қилиб бердик.

Кексаларининг қўли дуода бўлган ва ёшлари ибрат сабоғини олган юртнинг келажаги порлоқдир.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# Жамоатчилик назорати — адолат кафолати

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масаласига алоҳида тўхталиб: "Маълумотларга кўра, 2015 йилнинг 9 ойида Бош прокуратурага фуқаролардан прокуратура ходимлари устидан 426 та шикоят келиб тушган. Мазкур шикоятларни кўриб чиқиш натижалари бўйича 45 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилган, 22 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган, 33 нафар ходим прокуратура органларидан бўшатилган. Ўз-ўзидан равшанки, ана шу рақамлар ва прокуратура тизимидаги аҳвол бизни қониқтирмайди, албатта. Шу муносабат билан Олий Мажлис Сенати қисқа муддатда прокуратура фаолияти устидан назоратни кучайтириш ва унинг фаолияти қонунийлиги масаласини кўриб чиқиши зарур. Бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмайди", деган эди.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги ишларни жадаллаштириш учун "Парламент назорати тўғрисида" ва "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш фурсати етди.

Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур. Қонун лойиҳасида жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари белгиланган. Демак, кенг жамоатчилик ўз назоратини амалга оширишда бевосита мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари орқали иштирок этади.

Шу муносабат билан Конституцияга давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини шакллантиришни назарда тутадиган тузатишлар киритилаётгани алоҳида эътиборга эга. Давлат органлари фаолияти устидан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этишини, улар ўз олдида турган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги вазифа ва ваколатларни самарали амалга оширишини таъминлашга йўналтирилган. Шунинг учун ҳам ўз олдига кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадини қўйган мамлакатимизда босқичма-босқич, изчиллик билан жамоатчилик назорати, уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Конституциямизда давлат ҳокимиятининг жамоатчилик олдида масъул эканини белгиловчи қоидалар мавжуд. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги акс этган. 19-моддада фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Асосий Қонунда бу ва бошқа бир қатор қоидаларнинг ўрин олгани аҳоли кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган бошқа вазифалар билан бир қаторда, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга қодир бўлган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланишини таъминловчи қонунчилик тизимини шакллантириш имконини берди.

Ушбу конституциявий қоидалар "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунларда ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаоллигини сезиларли даражада кучайтиришга, уларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколатларини мустаҳкамлашга қаратилган бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида ўз ривожини топди.

Шу тариқа мамлакатимизда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг норматив-ҳуқуқий асоси яратилди ва изчил ривожлантириб келинмоқда. Айни вақтда ушбу норматив-ҳуқуқий асосларни самарали рўёбга чиқариш бевосита фуқароларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онги даражаси ва фуқаролик жамияти институтларининг етуклик ҳолатига боғлиқ. Бундан ташқари, миллий давлатчилигимизнинг ривожланиш ҳолати, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал кечиши, фуқароларнинг тобора юксалиб бораётган ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражаси жамоатчилик назоратининг норматив-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш, уларни юқори — конституциявий мақомда мустаҳкамлашни тақозо этаяпти.

Жамоатчилик назоратининг сиёсий-ҳуқуқий муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, гуманитар соҳалардаги демократик янгиланишларни амалга ошириш, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъуллигини кучайтириш, жамият ва давлат ишларини бошқариш жараёнида фуқаролар иштирокини кенгайтириш, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини изчиллик билан амалга оширишда жамоатчилик назорати институтининг ролини ошириш масалаларини илмий-назарий тадқиқ этиш ҳам бу борадаги муҳим вазифалардандир.

**Эркинбой АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент давлат юридик университети суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кафедраси ўқитувчиси**

Озод юртнинг обод манзиллари

# Зоминнинг замонавий массивлари





**Жиззах вилояти Зомин туманидаги Лайлак уя, Ширин ва Дуоба массивларида намунавий лойиҳалар асосида қурилган 285 уй-жой фойдаланишга топширилди.**

Аҳолига янада қулайлик яратиш учун янги массивларда мактаб, қишлоқ врачлик пункти, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, нон цехи, дорихона, гузар, бекат ва спорт майдончалари каби объектлар барпо этиш ишлари ҳам изчил амалга оширилмоқда.

***Суратларда:*** *Жўрабой Бегалиев фарзандлари билан; Зомин туманидаги Лайлак уя массивида бунёд этилган турар жойлар.*

**ЎзА фотомухбири**
**Шерзод НАЗАРОВ олган суратлар**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

**Жорий йилнинг 7 январ куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Мажлисга қонун лойиҳасини тайёрлашда иштирок этаётган вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари таклиф этилди.**

# Лойиҳа қўллаб-қувватланди

Мажлисда қайд этилганидек, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар айнан инсон манфаатларини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим аҳамият касб этади.

Депутатлар муҳокамасига «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (янги таҳрирда) биринчи ўқишда тақдим этилди.

Амалдаги қонун қабул қилинганидан буён 22 йилдан зиёд вақт ўтди. Ўтган давр мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи, ушбу соҳада замонавий талабларни белгиловчи кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вужудга келди. Янги лойиҳанинг мақсади қонун нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштириш, ташкилотларда иш берувчининг ва ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича масъулиятини ошириш, меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан жамоат назоратини таъминлаш борасидаги вазифаларни белгилашдан иборат.

Қонун лойиҳаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари ва тавсияларига асосланган ҳолда 20 дан зиёд чет эллар, шу жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги норматив базани такомиллаштиришга қаратилган.

Фракциялардаги муҳокамалар чоғида қонун лойиҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ваколатлари алоҳида моддада қайд этилгани, шунингдек, касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ваколати аниқ белгилаб берилгани ижобий баҳоланди.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими**

Реклама ва эълонлар

## ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!
## ИКСЕЗ хокимията Навоийской области ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

**1.«Строительство здания пожарного депо на 4 пожарных автомашины на территории ССГ «Г. Гулом» по улице С. Сиддикова в Нуратинском районе Навоийской области».**

Стартовая стоимость заказчика составляет - **без НДС – 2 077 363 140 сумов, с НДС – 2 492 835 768 сумов**

Срок окончания работ, установленный заказчиком, — **210 дней.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств государственного бюджета.**

***(При прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса.)***

Заказчик – **ИКСЕЗ хокимията Навоийской области, расположенный в г.Навои, ул. Навои, 63.**

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

**При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.**

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга – **в Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навои, ул. Гвасалия 2 А, тел: 225-49-96, 225-47-98. Стоимость одного комплекта документов — 100 000 сумов. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул. Гвасалия, 2А, тел.: 225-49-96, 225-47-98.

**Крайний срок предоставления оферт организатору торгов – ко дню и часу вскрытия оферт.**

Вскрытие оферт состоится по адресу г. Навои, ул. Халклар Дустлиги, 77 А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

**Услуги лицензированы.**

**Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!**
**Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади**

Лот №25-1. Шаҳрисабз шаҳри Беруний кўчаси бўйлаб сув тармоқларини реконструкция қилиш. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 931.287.163 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 776.072.636 сўм, қурилишни тугаллаш муддати – 5 ой.

Лот №25-2. Шаҳрисабз шаҳри Фурқат кўчаси бўйлаб сув тармоқларини реконструкция қилиш. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 398.777.655 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 332.314.713 сўм, қурилишни тугаллаш муддати – 5 ой.

Лот №26-1. Шаҳрисабз шаҳри Қапқон ва Ёйилма кўчаси бўйлаб марказий оқова сув тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 441.470.377 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 367.891.981 сўм, қурилишни тугаллаш муддати – 5 ой.

Лот №26-2. Шаҳрисабз шаҳри Гагарин кўчаси бўйлаб марказий оқова сув тармоқлари қурилиши. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 328.954.142 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 274.128.452 сўм, қурилишни тугаллаш муддати – 5 ой.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Қарши шаҳри, Ўзбекистон овози газетаси кўчаси, 3-уй. Телефон: (0-375) 227-18-51, 227-13-51.

**Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!**
**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги 8-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади**

**«Қашқадарё вилоятидаги суғориш тармоқларини тизимли тиклаш (3 навбат)».** Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 5.304.729.377 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 4.420.607.814 сўм, қурилишни тугаллаш муддати – 20 ой.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Республика бюджети маблағлари ҳисобидан - амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги 8-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.

**Манзил:** Қарши шаҳри, Чапқирғоқ кўчаси, 1-уй. Телефон: (8-375) 226-12-40, 226-12-31.

**Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!**
**"Шаҳрисабз нефт базаси" унитар корхонаси қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади**

«Шаҳрисабз нефт базаси» УК ҳудудида 2 дона 40 тонналик авто торози навеслари билан қуриш". Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 481.352.513 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 401.127.094 сўм, қурилишни тугаллаш муддати – 12 ой.

**Буюртмачи:** Қашқадарё вилояти «Шаҳрисабз нефт базаси» УК.

**Манзил:** Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 181-уй. Телефон: (0-375) 521-11-75, 521-14-23.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – "Ўзнефтмаҳсулот"АК маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат "Қурилиш - пудрат ташкилотлари реестри"га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат берилади.***

***Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича***

***- бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдолари кичик бизнес корхона ва ташкилотлари ўртасида ўтказилади;.***

***- бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдоларида оферталар баҳоланиб, кўрсатгичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.***

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Даварxитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси, 60-«А» уй, Тел.:/Факс: (0-375) 223-19-11, 223-27-33.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 90000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачилар манзилида ўтказилади.

**Хизматлар лицензияланган.**

# Билим ва иқтидор синови

**Наманган вилояти ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасаррруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадасининг туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтди.**

Билимдонлар баҳсида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 3-босқичида таҳсил олаётган 192 нафар ўғил-қиз 13 фан бўйича ўз билим ва иқтидорини синовдан ўтказди. Йўналишлар бўйича белгиланган шартларни муваффақиятли бажарган 36 ўқувчи беллашувнинг кейинги босқичига йўлланма олди.



***Суратда:** Наманган 2-тиббиёт коллежи ўқувчиси Ҳуснида Насриддинова.*

**ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат**

Реклама ўрнида

# Эл саломатлиги йўлида

(1).

**— Соҳага юқори технологик ускуналарнинг жорий этилиши қандай ижобий натижа бермоқда?**

— Марказимизда сўнгги беш йилликда рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлими ташкил этилиб, замонавий ангиографик ускуна билан жиҳозланди. Ҳозирда коронарография — юрак тожсимон артерияларининг торайган қисмларини аниқлаш, уларга найча ўрнатиш каби юқори технологик усуллар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Йилига мингдан ортиқ беморда ушбу амалиёт қўлланилаётир. Бундай усул билан даволаш орқали юрак-қон томир касалликларининг энг оғир тури бўлмиш миокард инфарктининг олди олинади.

Тиббиётда ўтказилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, кейинги ўн йил ичида миокарднинг ўткир инфарктидан содир бўладиган госпитал ўлим ҳолатлари 9-10 фоизгача пасайишига эришилди. Шуниси қувонарлики, бундай замонавий усул билан даволаш вилоятларда ҳам йўлга қўйила бошлади. Жумладан, Наманган вилоят кардиология марказида коронарография ва стентлаш амалиёти жорий этилди ва водий аҳлига хизмат кўрсатмоқда. Эндиги навбатда Хоразм, Фарғона, Бухоро ва бошқа вилоят кардиология диспансерларида ҳам шундай усулни йўлга қўйиш режалаштирилган. Яна бир юқори технологик усул — юракнинг мураккаб аритмияларида қўлланадиган радиочастотали аблация усули — кардиологик беморларни даволашда қўлланадиган халқаро стандартларга мос келадиган юқори технологик усул ҳисобланади. Бунда кўкрак қафасини очмасдан, яъни "қонсиз" йўл билан – махсус мосламалар ёрдамида юракка етиб бориб, унинг нотекис уриши (аритмия) радиотўлқинлар воситасида бартараф этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бундай операциялар Марказий Осиёда илк бор марказимизда ўтказилган бўлиб, 2008 йилдан буён 200 нафардан ортиқ бемор бу дарддан фориғ бўлди.

Жорий йил марказимизда Кардиожарроҳлик бўлими ишга туширилгани ҳам эътиборга молик. Бўлим замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, айни пайтда очиқ усулдаги мураккаб операциялар амалга оширилади. Юрак-ишемик касалликларининг оғир турларида аорта коронар шунтлаш, юрак порокларини жарроҳлик усули билан тиклаш сингари мураккаб операциялар амалга ошрила бошланди. Қисқа вақтда 90 нафардан ортиқ беморда ана шундай мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилди.

**— Халқаро ҳамкорлик борасидаги фаолиятга ҳам тўхталиб ўтсангиз?**



— Хорижий кардиологик клиникалар билан ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган бўлиб, марказимиз ёш шифокорлари Россия, Жанубий Корея, Швейцария, Полша каби давлатларнинг етакчи кардиологик клиникаларида малака ошириб келишди. Шу билан бирга, Москва, Новосибирск, Томск кардиология марказларининг олимлари ҳамда Швейцария, Жанубий Корея мутахассислари марказимизга келиб, маҳорат дарсларини ўтказди ва ўзаро тажриба алмашишди. Жумладан, Европа юрак фонди раиси, швейцариялик машҳур кардиожарроҳ, профессор Паул Фогт марказимизга бир неча бор ташриф буюриб, жарроҳларимиз билан биргаликда беморда бир вақтнинг ўзида аорта коронар шунтлаш, юрак клапанларини протезлаш, бўйин томирлари атеросклерозини бартараф этиш сингари ўта мураккаб операцияларни амалга оширди. Бундай мураккаб жарроҳлик усули дунёнинг саноқли давлатларида бажарилади. Ўтказилган бундай операциялар ёрдамида беморларда ўткир миокард инфаркти ва бош мия инсулти каби оғир асоратларнинг олди олинади ҳамда улар фаол ҳаётга қайтарилади.

**— Соҳа ривожида малакали кадрларнинг ўрни беқиёс. Айтинг-чи, бу борада қандай ишлар йўлга қўйилган?**

— Марказимизда малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ташкил этилган клиник ординатура курсларида ҳар йили 25 нафардан ортиқ кардиолог мутахассис тайёрланади. Охирги ўн йилликда 250 нафардан ортиқ кардиолог тайёрланиб, ҳозирда улар республикамизнинг бир қанча даволаш муассасаларида хизмат қилишмоқда. Шунингдек, малака ошириш курсларида 152 нафар кардиолог ўз малакасини оширишди. Кардиология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, замонавий юқори технологик даволаш ва диагностика усулларини республикамиз ҳудудларига, тиббиётнинг қуйи бўғинларига татбиқ этиш мақсадида етакчи олимларимиз томонидан маҳорат дарслари ўтиш йўлга қўйилди. Ҳозиргача бундай маҳорат дарслари Тошкент шаҳри, Тошкент, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сирдарё, Фарғона, Андижон, Наманган, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди.

**— Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал, шундай эмасми?..**

— Кардиология марказида юрак-қон томир хасталикларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва мукаммал даволашга қаратилган кенг қамровли профилактик тадбирлар амалга оширилаётир. Жумладан, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касаллик келтириб чиқарувчи хавфли омилларни камайтириш, хасталикни бошланғич даврида аниқлаб, даволаш тадбирларини ўтказиш ишлари кенг йўлга қўйилмоқда. Эндиликда республикамиздаги 18 ёшдан ошган ҳар бир фуқаро турар жойларидаги поликлиникаларда профилактик текширувдан ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, бундай текширувлар оқибатида юз берадиган юрак хасталигининг олди олинади.

Хулоса ўрнида айтиш ўринлики, юрак инсоннинг энг муҳим аъзоси. Ён-веримизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, атрофимиздагиларнинг яхши-ёмон гап-сўзи ҳамда амаллари мана шу муштдеккина организмда ўз аксини топади. Яхшиликлардан қувонсак, "гупиллаб" уриб, ёмонликлардан озор чекканимизда уришдан ҳам тўхтаб қолишга тайёр бу нозик аъзомизни авайлашимиз керак. Бунинг учун эса сизу биздан талаб қилинадигани эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амалдир, холос.

**«Ishonch» мухбири Орзугул РУСТАМОВА суҳбатлашди**

Молия муассасаларида

# Тадбиркорга мададкор

MIKROKREDITBANK

**Юртимизда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга оширишга қулай шарт-шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳага қаратилаётган эътибор ўзининг ижобий натижасини бераётир.**



Хусусан, «Микрокредитбанк» АТБ томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш банк-кредит сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектларига яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган корхоналардан бири Андижон вилояти Жалақудуқ туманида фаолият юритаётган «Ровер фезеезер» хусусий корхонасидир. Корхонага пухта ишлаб чиқилган бизнес режа асосида «Микрокредитбанк» АТБнинг Андижон филиали томонидан мебел ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кредит маблағи ажратилган эди.



— Банкдан олган кредит ҳисобига корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати ўсди. Шу билан бирга, даромади ортиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз сифати ошиб бормоқда. Корхонамиз ишга тушгач, янги иш ўринларини яратишга эришдик. Бунда, албатта, «Микрокредитбанк» АТБнинг ҳиссаси катта. Банк томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлардан жуда мамнунмиз, — дейди корхона раҳбари Ҳамидулло Аҳмадалиев.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилаётган имтиёзлардан фойдаланаётган субъектлар қаторига «Елгели Нукус» хусусий корхонасини ҳам қўшиш мумкин. Ушбу корхона бугунги кунда ўз бизнесини тўғри ташкил этиб, юқори натижаларга эришиб келмоқда.

— Давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлардан фойдаланган ҳолда «Микрокредитбанк» АТБ Нукус филиалидан кредит олиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди «Елгели Нукус» хусусий корхонаси раҳбари Қундиз Байменова. — Ҳозирда бу ерда тайёрланаётган нон маҳсулотлари бозор ва дўконларга етказиб берилмоқда. Бу қадамни ташлашимда менга молиявий мадад бўлаётган «Микрокредитбанк»га миннатдорлик билдираман. Банк томонидан мен каби тадбиркорларга ажратилаётган кредит маблағлари янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

— Мамлакатимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилмоқда. Айниқса, қисқа муддат ичида кредит олиш имкониятига эгамиз. Бунинг учун пухта бизнес лойиҳангиз бўлса бас. Мен ҳам яратилаётган имтиёз ва қулайликлардан фойдаланган ҳолда банкнинг Наманган вилоят Косонсой филиалидан кредит олиб, ёғоч ва алюминий эшик-ромлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим, — дейди якка тартибдаги тадбиркор Бобурхон Тожихўжаев. — Кредит ҳисобидан хориждан замонавий дастгоҳларни олиб келиб ўрнатдик. Ҳозирда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизга кўплаб буюртмалар қабул қилаяпмиз. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида бир нечта маҳаллий ёшлар доимий иш жойига эга бўлди. Келгусида ҳам мазкур молия муассасаси билан алоқамизни мустаҳкамлаймиз.



ЎзА суратлари

**Банк материаллари асосида «Ishonch» мухбири Нарзулла МАҲАМОВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Эътибор

Қувасой шаҳридаги «Кварц» акциядорлик жамияти корхонада узоқ йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққан фахрийлардан 43 нафарининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари бўйлаб саёҳатини ташкил этди.

# «Кварц» йўлланмаси билан

Жамиятга қарашли профилакторийда кексаларга алоҳида жой ажратилган бўлиб, бу ерда мароқли дам олиш ва саломатликни тиклаш учун барча шароит муҳайё. Бултур корхонанинг даволаш-соғломлаштириш маркази қайта таъмирланиб, замонавий тиббиёт жиҳозлари ўрнатилди. Йил давомида 409 нафар меҳнат фахрийси бепул даволаниб, саломатлигини тиклади.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси**

Реклама ва эълонлар

## «Universal Realtor» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Istiqlol-Madumarova Gulbahor» фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Байтқўрғон» ҚФЙ ҳудуди 9,3 га ер майдони участкасида жойлашган 2250 туп олхўри, 900 туп олма, 800 туп олма дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилади. Бошланғич баҳоси — 9500000 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 15 феврал куни соат 11:00да Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй савдо ташкилотчисининг 2-қаватида жойлашган савдолар залида ўтказилади.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2016 йил 12 феврал куни соат 11:00да тўхтатилади. Ушбу кунда сотилмай қолган кўчмас мулк объектларининг такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 22-, 29 феврал, 7 март кунлари соат 11:00да юқорида кўрсатиб ўтилган манзилда ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 19-, 26 феврал, 4 март кунлари соат 11:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг, кўчмас мулк объекти ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖнинг АТБ «Капитал банк» Тошкент шаҳар филиалидаги МФО: 00445, СТИР: 302269399, 2020 8000 1049 7522 8001 ҳисоб-рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

**Қўшимча маълумот олиш учун манзил:** «Universal Realtor» МЧЖ 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Тел/факс: 150-35-55. Веб-сайт: www.realtor.uz. E-mail: universal.realtor@mail.ru.

**Хизматлар лицензияланган.**

## "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосига Бағдод тумани молия бўлими балансидаги "Тико" русумли, 1997 йилда и/ч, д/р: 40 779 JAA, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 142 380 сўм.

**Аукцион савдоси 2016 йил 12 феврал куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.**

Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача (13:00 дан 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 10 феврал соат 17:00.

***Талабгорлар диққатига!***

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаси 2016 йил 12 феврал кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 2016 йилнинг 19 феврал куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдога аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 17 феврал соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10(ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг "Трастбанк" Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: МФО: 01123, СТИР: 303054753, Ҳ/Р: 22604000600396342001.

Манзил: Фарғона шаҳар, Маърифат кўчаси, 22-уй. Тел.: +99895-402-54-75. Гувоҳнома: № 1894.

**Хизматлар лицензияланган.**

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir v.b.**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-95) 502-68-99
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** B.Rizayev
**Navbatchi:** D.Oripov
**Musahhih:** S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:50**
Topshirildi — **21:40**
1 2 3 4 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 115.
20777 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133